

Абдунаби Ҳамро

МУСОФИР

(Ҳикоя)

Кўз очгим келмасди. Қулоғимга ғўнғиллаган товушлар эшитилар, бироқ, шуурим ҳали хирароқ эди. Димоғимга ачимсиқ дори ҳиди урилди. Демак, касалхонадаман. Наркоз деганлари расво нарса экан, худди нашаванд одамга ўхшайман. Онгимнинг энг чуқур бурчакларида бир нималар милтиллар, аммо, бу тубсиз бўшлиқдан чиқиш учун уринаётган хотира жуда ожиз эди.

Бир неча дақиқа ўтгач, барибир кўзим очилди: чап биқинимда кучли оғриқ уйғонди. Гўёки танамнинг бир парчаси йўқдай эди. Тафаккур қилишга, эслашга уриниб кўрдим, бошим ҳам лўқиллай бошлади. Лекин, эсламасам бўлмасди, чунки, мен ўз юртимдан жуда олисда ётибман. Буни энди аниқ биламан! Зўриқаётган хотирам, ниҳоят, бироз ўзига келди. Ва бирдан азобли кунлар ва оғриқли тунлар биргалашиб, шууримга шиддат билан ёпирилишди. Ҳаммасини эсладим!

...“Бегона юртдан болтанинг товуши келади” деган гап рост экан. Махтумқули хазратлари «Урса, сўкса, хўрласа ҳам, эл яхши» деб бежиз айтмагандир, ахир? Тўғри-да, каминг бор, кўстинг бор, лекин дўстинг йўқ, оҳинг бор, зоринг бор, аммо, ёринг билан диёринг йўқ...

Хотин икки гапнинг бирида «у йўқ- бу йўқ» деб минғирлайвергач, «бор-ей» деб, шу ёққа жўнавордим. Бир неча йилдан бери бу ёққа қатнаб, ишнинг ҳадисини олган болаларга қўшилиб қолганим қўл келди: улар мени олдинига бир ўрис бойининг янги қурдираётган иморатидаги қурилишга ишга жойлаб қўйишди. Бир-икки ой бетон қориб, ғишт ташиб англадимки, бу ерда бирим икки бўлмайди. Биринчидан, иш ҳақи еган-ичганингга етмайди, қолаверса, ўша уддабурон болаларнинг жўрабошиси, бойнинг шотири Олимбек кўра-била туриб, маошингдан уриб қолади. Нима эмиш, керакли одамларнинг оғзини мойлаб турармиш, бўлмаса улар бизни «депорт» қилиб, ортга қайтариб юборармиш. Тавба, ҳужжатим жойида, вақтинча рўйхатдан ўтганман, барчасига етарлича пул тўлаганман, қандай қилиб қайтариб

юборади? Лекин, бу гапларни Олимбекка айтдинг нимаю, деворга айтдинг нима, барибир. Кўзини лўқ қилиб тураверади. Бунинг устига, аллақандай фирманинг эгаси бўлмиш хўжайинимиз Викторбой ҳам фақат шунга ишонади: Алимчик, сделай вот такой, Алимчик, я тебя уважаю...

Ёшим ўттиздан ўтган, куч-қувватим жойида бўлса, ўрис тилини дурустгина билсам, бу ерда қул бўлиб юраманми?! Ундан кўра дурустроқ иш топганим яхши эмасми? Уйгаям бир тийин юборолмадим ҳали.

Ана шундай режалар тузиб юрганимда худо ишимни ўнглади: хўжайиннинг амакиси, Сергей Никифоров деган етмишларга кирган чол биз ишлаётган жойга кепқолди. Истеъфодаги полковник (буни кейинроқ билдим) бўлган бобойнинг қадди ҳали тик, кўзлари чақнаб турарди. Замбилғалтакда ёишт ташияпману, ер остидан чолга син соламан: сарғиш кўзларини хиёл қисганча болаларни индамай кузатиб турибди. Уриниброқ қолган «Вольво» машинаси эшигига суянганча тамаки тутатиб, ишлаётган йигитларни бир-бир назардан ўтказди. Ёнидан ўтаётиб атайлаб ўзбекчалаб салом бердим:

-Ассалому алайкум.

-Валейкум ассалом- деди у кутилмаганда. Такка тўхтаб қолдим! Ҳайратдан кўзларим чарақлаб кетганини кўрган чол кулимсиради.

-Кечирасиз...-дедим дудуқланиб.

-Ничего, дразнить меня хотел, да? Шустрий малый...

-Йўқ, сизни калака қилиш ниятим йўқ эди, -менам ўрисчага ўтдим ноилож, -шунчаки, беихтиёр...Афтидан, юртни, ўзбекчани соғинибман шекилли...

-Ўзбекчани? Нима, шерикларинг..?

-Тожикистонлик улар, Хўжанддан.

-Ах вот как! Танишайлик,- у қўлини узатди, -Никифоров Сергей Иванович, полковник в отставке.

Дарров қўлқопимни ечиб, менам унга қўл чўздим:

-Темур Алиев, собиқ ўқитувчи.

-О, великий Тимур! Правитель мира! Хорошая имя!- чолнинг кўзлари чақнаб кетди, қўлимни маҳкам қисди.

-Кечирасиз, мен... Ишлашим керак, бўлмаса анови дароз йигит хўжайинга чақиб беради, -шундай деб бетон қорғич машана ёнида серрайиб турган Олимбекка ишора қилдим.

-Ўша болами бригадирларинг? Ҳозир...Эй, пацан, а ну подойди сюда! Бери кел деяпман!

Олимбек югургилаб етиб келди.

-Издрасти...-деди у суллоҳларча тиржайиб чолга қўл узатаркан. Аммо, Сергей бува қўлини чўнтагидан чиқармай унга қаттиқ тикилди:

-Значить, стукач, да?

-Не понимаю...-дея гўлдиради найнов.

-Чақимчимисан деб сўраяптилар! –дедим менам илжайиб.

-Йў-ў... Нега энди...

-Қулоқ сол, -деди чол хотиржам товушда,- бундан кейин бу бола бу ерда ишламайди, мен уни ўзим билан опкетаман. Виктор келса айтиб қўй, «Амакингиз Сергей Иванович Тимурни дачага олиб кетди» дейсан? У дачада ишлайди энди, тушундингми?!

-Тушундим, хўп-хўп!- бечора «Алимчик» қуллуқ қилганча нари кетди.

-Тимур, нарсаларингни олиб, машинага ўтир. Кетдик, ҳаво исий бошлади.

Ўн беш дақиқадан сўнг қувончим ичимга сиғмай, Сергей бува билан ёнма-ён ўтирганча унинг дала-ҳовлисига жўнадим.

-Амир Темурни... билар экансиз-да? – юрак ютиб сўрадим ниҳоят.

-Ия, ким билмас экан уни? –деди чол машина силкинишига монанд тебраниб бораркан, -Боя айтдимку, мен истеъфодаги полковникман, ҳарбий академияда ўқиганман. Бизга Темурнинг ҳарбий тактикаси ва стратегияси ҳақида дарс ўтишарди. Кейин ўзим ҳам у ҳақдаги китобларни топиб ўқидим. Тўғри, тан олиш керак, рус олимлари совет даврида унинг шахсини салбий, нохолис баҳолашган, уни қонхўр ва шафқатсиз ҳукмдор деб таърифлашган.

-Буларнинг барчаси тухмат, у буюк саркарда бўлган!- дедим сал қизишиб.

-Ну-ну, успокойся, парень. Биламан, ҳаммасини биламан. Айтдимку, ўқиганман деб. Бунинг устига, хориж олимларининг айрим асарлари ҳам қўлимга тушиб қолди. Француз тилини атайлаб ўргандим, Темур ҳақидаги китобларни аслиятида ўқиш учун.

-Йўғ-ей? Қойил!

Ҳайратланганимни сезиб, чолнинг қулфи-дили очилди. Навбатдаги тамакини лабига қистириб, мен тарафга қия қаради:

-Францияда буюк Темурга олтиндан ҳайкал ўрнатилганини эшитганмисан?

-Ҳайкал эмас, бюст бўлса керак,- дедим ишончсизроқ оҳангда.

-Какая разница! Нима, Парижда олтин кўчада ётади деб ўйлайсанми? Муҳими –Темурни жаҳон тан олгани. Айниқса, Наполеондай фотиҳни етиштирган миллат унча-мунчага қуллуқ қилавермайди. Дарвоқе, русчани яхши билар экансан.

-Аввало, мактабдаёқ қизиққанман рус тилига, кейин Тошкентдаги Жаҳон тиллари университетида ўқидим.

-Ўх-хў, зўрку! –Сергей бува самимий жилмайди, -Ўзинг қаерликсан?

-Бухородан, -дедим кўксимни сал кўтариб.

-О, город-легенда! Авиценнанинг ватани!

Тағин ҳайратим ошди: бу чол бало эканку! Ҳарбий бўлсаям кўп нарсани биларкан, анча-мунча китоб ўқиган кўринади.

-Ҳа, Ибн Сино бизнинг юртдан. Кечирасиз, бир нарсани сўрамоқчиман...

-Бемалол, ўғлим, сўрайвер,- афтидан, менинг буюк боболарим чолнинг кайфиятини кўтариб юборишганга ўхшайди, унинг товуши тобора майинлашиб борарди.

-Боя, қурилишда... Саломимга ўзбекча алик олдингиз. Ўзбек тилини биласиз шекилли?

-Э, уни айтяпсанми? Ну, сал-пал тушунаман, лекин гапиришга қийналаман. Совет даврида бир йил «ТуркВО» да ишлаганман. Туркистон Ҳарбий округи бор эди ўша пайтлар. Тошкентда, «военгородок»да яшадим. Ишқилиб, беш-ўнта сўзни эплаб гапира оламан. Тўғриси, унинг ҳам ярмидан кўпроғи... сўкишлар! –чол шундай деб хоҳолади, -Лекин, салом-аликни унутганим йўқ, ўғлим. Гўзал тилларингиз бор, худди мусиқага ўхшайди.

Сухбат билан бўлиб, манзилга етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Чол машинани тўхтатди, тушиб, атрофга разм солдим. Подмосковьенинг одатдаги посёлкаларига ўхшайди, ўрмонга яқин, баҳаво жой экан. Сергей Иванович нарироқдаги ёғоч кулбага бошлади.

-Ия, дача деганингиз шуми ҳали? –дедим бироз ҳайрон бўлиб.

-Ҳа, нима, сен мармар кошонани кўраман деб ўйлаганмидинг..? –чол шундай деб тахтадан қилинган дарчани итариб очди. Қадимги рус меъморчилик анъаналарига хос тарзда ёғочларни жуфтлаб тикланган чоғроқ

уй ҳали мустаҳкам эканлиги кўриниб турибди. Атрофдан қайин ҳиди анқийди. «Қандингни ур, Темурбек, энди одамдай яшайсан!» деган гап хаёлимдан ўтди...

...-А ну-ка, подём! Турларинг, чуркалар! –ногоҳ янграган дағдағали овоз уйқумни ўчирди, Сакраб турдим, беихтиёр олдинга интилдим, аммо оёқ-кўлим занжирбанд эди, уч қадам юрмасимдан занжир мени ортга тортди. Ён томонга қарасам, ертўлада кишанбанд бўлиб ётган болаларнинг тўртовиям туришган, улар ҳам худди мен каби ноиложлик ҳиссидан бўғилишиб, муштларини қисганча тик туриб тебранишаётганди. Уйқумизни бузган чечен бола –исми Адам эди, янглишмасам –соқол қоплаган иягини қашлаганча тиржайиб турар, кўлидаги «Калашников» русумли автоматнинг учи ерга тўғриланганди. Унинг истеҳзо ва камситиш аломатлари балқиб турган юзига боқиб, «Наҳотки шунақалар ўзларини чинакам мусулмон санашса..?» деган аламли ўй хаёлимдан кечди. Ёнимдаги болалардан бири ўзбекчасига болохонадор қилиб сўкинди.

-Қимирланглар, баттоллар!- дея ўшқирди эшик ёнида турган иккинчи йигит. Унинг ҳам афт-башарасини соқол қоплаган, чап юзида чақмоқ изига ўхшайдиган тиртиқ бўртиб турибди.

-Эй, Отто Скорцени, кўл-оёғи занжирбанд одам қандай қимирлайди? Кишанни еч, қовуқлар ёрилади ҳозир! -дедим тиш ғижирлатиб.

-Ўх-хў, Гитлернинг арзандасиниям биласанми ҳали? –чандиқли бола тиржайди.

Ташқарига чиқиб, бўшаниб олгач, бироз енгил тортдим. Шерикларимм – икки туркман ва икки тожик йигитлар –тинимсиз тўнғиллашар, ўз тилларида кулдорларнинг гўрларига ғишт қалашарди. Ювиндига ўхшаш нонуштани паққос туширгач, ишни бошладик. Дарахт кесишимиз керак, Русланбой бунча дарахтни нима қилади, ўзи билмаса, бизга қоронғи. Туркман бола Дурди анча бақувват, шериги Шихназар ҳам қорувлигина, аммо тожикларнинг икковиям пачақроқ. Матжон дегани паканадан келган, калтабақай йигит, ҳамюрти Амиршо ҳам ўзига ўхшагангина. Уларнияма каминага қўшиб бу ерга опкелишган. Ё мен уларнинг касофатига қолдим, ё улар – менинг. Ағдарилган дарахт шохларини бутар эканман, ўша қарғиш теккан кун воқеалари хаёлимда тагин жонланди...

Сергей Иванович билан чиқишиб кетдик, кампири Зина хола эса унданам ажойиб экан. Менинг ўқитувчи эканлигимни билгач, кампир елимдай ёпишди:

-Ҳамкасб эканмиз, менам қирқ йил рус тили ва адабиётидан дарс берганман. Серёга, болага оғир иш буюрма! Тимурчик, садис, сначала покушай!

Ишқилиб, момо айланиб-ўргилавериб, каминани анча талтайтирди шекилли, бора-бора Сергей Иванович шанба-якшанба кунлари бир ўзи келадиган бўлди.

-Она заболела...-дея пичирларди ҳар сафар. Биламан, кампирга жин ҳам ургани йўқ, шунчаки, чол «Зина ҳадеб буни эркалайверса, ишламай қўяди» деб хавотирлана бошлаганди. Мен эса икка ҳафтадаёқ дала ҳовлини яраклатдим, энди унда бемалол Россия президентини қабул қилсаям бўлаверади. Бир ойдан сўнг эса чол мени машинага чиқариб, шаҳарга олиб тушди. Пochтадан уйга пул жўнатдик! Келганимдан бери илк маротаба уйга нақ етти юз доллар юбордим! Севинчим ичимга сиғмасди, чолга миннатдорона қарадим.

-Пулни ёшларга ишониб бўлмайди, шунинг учун қўлингга бермадим, кечирасан. Мана, оилангга жўнатдик, сенга, ўзингга пул керак бўп қолса, айтарсан. А то, дачада ҳамма нарсa бор. Кетдик.

Сергей Иванович ҳақ эди: дала ҳовлида озиқ-овқат, кийим-кечак, китоблар етарли, телевизор бор. Менга бошқа нарсанинг керагиям йўқ. Кундузи ҳовлини супириб-сидириб, томорқада куймаланаман, кечаси китоб ўқийман ё телевизор томоша қиламан. Анави куни чол қўл телефони олиб беришни ваъда қилувди(ўзимники аввалги иш жойимда қолиб кетганди), афсуски, улгуролмади. У бечора ҳозир ё мени ундан-бундан суриштириб юрибди, ё қочиb кетди деб ўйлаб, гўримга ғишт қалаб ўтирибди. Мен эса бир ҳафта бурун содир бўлган ўша воқеа, ўша бўшанглигим, бепарволигим учун ўзимни ҳамон кечиролмайман...

...Ўшанда мени нима жин урди, билмайман: умрида бир-икки култумдан ортиқ ичмаган одам қандай қилиб бунча ичдим? Сергей бова билан баъзида иримига оз-оздан «отардик», чол ҳам кўп ичмасди. Ё ароқда бир балоси бор эканми? Анови икки тожик бола сабаб ҳаммасига! Улар қўшни дала-ҳовлиларда ишлашар экан, ўша куни фалакат босиб, менга дуч келишди? Кечки пайт дарвоза олдида турсам, кўчадан ўтиб қолишди, қарасам, тожикча гаплашиб кетишяпти ўзаро! Юрагим ҳаприқиб кетди: тожик нимаю ўзбек нима?! Балки Бухородан, ўз юртимдандир? Боринг, ана, самарқандлик ё сурхондарёлик бўлсин, барибир Ўзбекистондан-да!

-Ассалому алайкум, жўралар! –дедим жилмайиб. Тамом, бу ёғи ке-т-ди! Улар қаердандир егулик харид қилиб келишаётган экан, бир шиша ароқ ҳам қўшиб олишибди. Аксига олгандай, мендаям битта бор эди! Музлатгичда. Ишқилиб, бошланди. Тожикистонлик экан икковиям, лекин, ўзбекча билишади. Улар “акун-акун” қилишди, биз ҳам “эби, ҳовва” деб турдик, шу билан охири беҳайр бўлди....

-Сани айбинг бу! –дея вишиллади дарахтнинг белидан арқон боғлаб тортаётган Амиршо менга ўқрайиб, Матжон унга “Бас кун!” деб пичирлади: нарироқда Адам тишлари орасида гугурт чўпини чайнаганча кўз остидан бизни кузатаётганди. Менинг юзимга қон тепди: ия, нега менинг айбим бўлар экан? Уларни зўрлаб дачага олиб кирдимми, ё оғизларига ароқ қуйдимми мажбуран? Ўзимдан ўтганини ўзимга аён, бу пачақ бўлса...

-Агар сан дуч келиб, салом бермаганингда... –тўнғиллади тагин тожик бола.

-Э, бор-ей, тошингни тер! –дедим тишларимни қисиб. Зимдан атрофни кузатаман: Адамдан ташқари тагин икки йигит автомат ушлаб, айланиб юришибди. Буларнинг хўжайини Руслан деган йигит экан, анови куни Адам билан шериги гаплашиб турганда илғаганман. Биз билан бирга яна беш-олтита бола ишлайди бу ерда, чеченлар уларниям аллақерлардандир ушлаб келишган, менимча. Ё пулпараст биронта ўрисдан арзон-гаровга сотиб олишган. Бу ерда кулдек ишлатиб, сўнг... Сўнг нима бўлишини аниқ билмайман, ишқилиб, яхшилик билан тугамаса керак бу ишлар.

Ўша беҳосият тунда дала-ҳовлининг дарвозасиниям бекитмай, ухлаб қолибман. Анови икки тожик гандираклаб, бир нималарни ғўлдирашиб чиқиб кетишганди, фикримча, узоққа кетиб улгуришмаган. Ўша машъум кеча тун ярмида кимлардир икки қўлтиғимдан кўтарганини, сўнг қорнимга кучли зарба тушганини эслайман, холос. Кўзимни очганимда сассиқ ертўлада, оёқ-қўлим занжирбанд ётгандим.

Ҳаволар совиб қолди, бу ерларда қор барвақт тушар экан. Эгнимиз юпун, ертўла совуқ эди. Соч-соқолимиз ўсиб кетди, ўн беш-йигирма кунда бир марта сув тегадиган баданлардан қўланса хид анқирди. Кесилган, буталган ёғочларни ҳар уч кунда узун юк машиналари олиб кетар, афтидан, Русланбой қайсидир фирмаларга пулласа керак уларни. Тунлари уйқум қочади, чорасизлик азоби қийнайди. Нима ҳолат бу, ҳозир ўрта асрлар эмаску?! Бу юртда полиция, прокуратура йўқми?! Нега бу овлоқ жойларни текширишмайди, ҳеч бўлмаса биронта вертолёт учиб ўтсайди... Ановилар ҳам ўзларини одам деб, тагин мусулмон деб санашади! Бу ғирт ваҳшийликку! Нима қилиш керак, бу жаҳаннамдан қутулиш чораси борми?

Бир марта уриниб ҳам кўрдим. Соқчилар чалғиган пайти, тушлик ёвғонни егач, қўлимдаги болтани камаримга қистириб, уюлиб ётган шох-шаббалар орасидан аста сирғалиб ўтиб, гоҳ-гоҳ машиналар товуши келадиган кунчиқар ёққа писиб кета бошладим. Бироқ, шу пайт орқадан Амиршонинг товуши янгради:

-Бежит, бежит! Қочопти! Ўзбак қочиб кетопти!

Бу ёғи маълум: олдинга бошим устидан автомат ўқлари визиллаб ўтди, ерга қапишдим, уч дақиқа ўтмасдан соқчилар етиб келишди. Тортган азобларим, еган калтакларим бир ўзимгаю бир худога аён...

Тонгги совуқда дийдираб ётарканман, аёлиму фарзандларим кўз олдимдан ўтар, кўзларимдан думалаган ёшлар лаҳза ўтмай яхлаб қоларди. Бутун вужудим қақшар, гўё барча суякларимни кимдир тўқмоқ билан майдалаб чиққандай эди. Тонг отишига ярим соатча қолганда ташқарида олдинга бақир-чақирлар, сўнг автомат товушлари янгради. Кимлардир сўкинар, яна кимларнингдир ҳукмфармо овозлари эшитиларди. Бироз ўтгач, атроф сал тинчигандай бўлди ва шу лаҳза ертўла эшиги ғийкиллаб очилди.

- Алиев здесь? Тимурчик, Тимур?!

Бошим устида момақалдироқ гумбурлади гўё! Бунчалар қадрдон бу овоз, бунчалар меҳрибон...

-А-а-а... –томоғим битиб қолганди, қичқиришгаям мажолим етмади, аммо, Сергей бува икки ҳатлашда тепамга етиб келди.

-Слава тебя, Господи! Тимур, сынок!

Ташқарига чиққанимизда ожиз қиш куёши энди уфқдан бош кўтараётганди. Чечен болалар қорда чўккаларб ўтиришар, қўллари орқаларига боғланган, ҳар бирининг тепасида -автомат ушлаган бир аскар. Негадир полиция машинаси эмас, ҳарбийларнинг “Урал” машинаси турарди. Савол назари билан қараганимни сезган чол заҳарханда қилди:

-Полицейские все продажные! Им нельзя верить! Булар –менинг собиқ курсантларим, ҳарбий қисмдан опкелдим.

“Демак, Русланбой полицияниям сотиб олган, Сергей бува буни яхши билади. Шунинг учун ҳарбий қисмдан аскар олиб келган... Қизиқ, бойнинг ўзи қаерда экан? Топишади барибир! Чол анойи эмас, топдиради!”. Шу каби хаёллар билан “Урал”нинг ёнида турган унинг машинасига ўтирдим.

-Ановиларни...

-Ўйлама уларни! –деди бува дийдираб турган бошқа маҳбусларга сўнгги бор қараб, –Давлат уларни ювиб-тараб, ўз юртига жўнатворади. Кетдик!

...Чол тушдан сўнг касалхонага яна келди, Зина хола мен келганимдан бери шу ерда экан. Чап биқинимдаги оғриқ бежиз эмас экан, бир буйрагимни совуқ урибди, уни олиб ташлашган экан.

-Ничего, жить будеш! –деди Сергей бува қувноқ оҳангда, сўнг руҳсиз пичирлади, -Хорошо, что не помер там... Звери! Дарвоқе, уйингга пул жўнатиб турдим, сенинг номингдан. Оиланг тинч. Сен ҳадеб безовта

бўлаверма. Мен ўзбеклардан кўп яхшилиқ кўрганман, қарзимни узишим керак.

Кўзларим ёшланганини кўриб, хола қоқсуяқ, томирлари бўртиб турган кўлларини манглайимга босди.

-Не плач, Тимурчик, слава Богу, всё позади. Кстати, я тебе книга принесла, хорошая книга, про Амира Тимура! По русский сможешь читать?

Шу пайт нарироқдаги усталча устида турган телефон жиринглаб қолди, Сергей бува уни олиб, қулоғига тутди, сўнг лаблари табассумдан ёйилиб, менга узатди:

-Это тебя спрашивают.

Нарёқдан ўғлимнинг ташвишли овози эшитилди:

-Дадажон..!

Томоғим ғиппа бўғилди! Кўз ёшларим яноғимда пастга юмалай бошлади. Бир амаллаб пичирладим:

-Ўғ...Ўғлим, мен... яхшиман. Бораман яқинда...

Пиқиллаб йиғлаётган Зина хола титраётган кўллари билан тинмай бошимни силар, бу кўл худди раҳматлик онамнинг кўлларидай меҳрибон эди. Қулоғимда эса улуғ Махтумқулининг ўша сатрлари тинмай жарангларди:

...Урса-сўкса, хўрласа ҳам – эл яхши...